

Допинг-синамаларда кўп аниқланадиган тақиқланган моддалар

Кўпчиликка маълумки, спортда тақиқланган моддалар ва услублар ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра Бутунжаҳон антидопинг агентлиги томонидан эълон қилинади.

Тақиқланган моддалар асл допинг кўринишида ёки дорихонада сотиладиган, лекин куч-қувват, мушак хажми, чидамлилиқ, жиззакилик, хотиржамлик ва бошқа муҳим сифатларни ноқонуний ошириш орқали спортда натижаларни сунъий равишда юксалтиришга олиб келувчи дори-дармонлар кўринишида бўлиши мумкин.

Спортчилар, мураббийлар ва спорт тиббиёти ходимларининг эътиборига статистик маълумотларга асосан допинг-синамаларда нисбатан кўпроқ аниқланаётган тақиқланган моддалар рўйхати ва уларга қисқа шарҳларни хавола этамиз. Токи улар тақиқланган моддаларни истеъмол қилишдан огоҳ бўлишсин, дорихонадаги дори-дармонлардан эҳтиёткорлик билан, допинг воситаларидан ҳабари бор малакали шифокорларнинг маслаҳатини олган ҳолда фойдаланишда эҳтиёткор бўлишсин.

Допинг-синамаларда кўпинча 14 та фармакологик ва биокимёвий гуруҳларга мансуб тақиқланган моддалар аниқланади:

1. Анаболик стероидлар
2. Анестетиклар (махаллий оғриқсизлантирувчилар)
3. Бета-блокаторлар
4. Ўсиш гормонлари
5. Диуретиклар (пешоб хайдовчилар)
6. Ингибиторлар
7. Каннабиоидлар (гиёҳванд моддалар)
8. Ксенобиотиклар
9. Яширувчи агентлар
10. Наркотиклар (марказий оғриқсизлантирувчилар)
11. Метаболиклар
12. Стимуляторлар
13. Транквилизаторлар
14. Психотроп моддалар

Қуйида келтирилган тақиқланган моддалар ва уларнинг турдош аналоглари охириги 10 йил ичида спортчиларнинг допинг-синамаларида бошқаларга нисбатан тез-тез учраётгани қайд этилган.

Амфетамин

СТИМУЛЯТОР

Жисмоний чидамлилик ва ишчанликни оширади, бош миянинг кислород етишмовчилиги ва токсик таъсирларга қарши барқарорлигини таъминлайди.

Анастрозол

ИНГИБИТОР

Онкологик касалликларда буюриладиган препарат. Тестостерон миқдорини оширади.

Андростерон

ГОРМОН

Организмда тестостеронга айланади. Куч-қувват, мушак хажмини ошириш ва ёғ қатламини камайтириш ҳисобига тикланиш жараёнларини тезлаштиради.

Атенолол

БЕТА-БЛОКАТОР

Юрак уришининг кучи ва тезлигини камайтиради.

Ацетазоламид

ДИУРЕТИК

Организмдан суюқликни хайдайди.

Бензокаин

АНЕСТЕТИК

Тезкор оғриқсизлантиришни таъминлайди.

Болденон

АНАБОЛИК

Организмда энергия тўплаш билан кечадиган синтез жараёнларини кучайтиради. 2000-чи йилларгача асосан пойга отлар учун қўлланилган.

Бромантан

СТИМУЛЯТОР

Умумий иммунитет ва чидамлиликни оширади, шу жумладан юқори харорат шароитида, кучли рухий қўзғатувчи таъсирга эга. Тақиқланган стероидларнинг қўлланилишини яширади.

Гептаминол

СТИМУЛЯТОР

Юрак стимулятори каби таъсир кўрсатиб, чидамлилик ва жисмоний ишчанликни оширади.

Гидроксиэтил

ЯШИРУВЧИ АГЕНТ

Тромбоцитлар миқдорини камайтириб, бошқа тақиқланган препаратларнинг таъсирини яширади.

Гидроксипромазин

ТРАНКВИЛИЗАТОР

Асаб тизимини кўзгатади. Аввал от спортида қўлланила бошлаган.

Гидрокситестостерон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини кўпайтиради ва куч кўрсаткичларини оширади. Қонда эстроген миқдорини камайтиради.

Гидрохлоротиазид

ДИУРЕТИК

Организмдан суюқликни хайдайди. Артериал қон босимини пасайтиради.

Глаксосмитклин

МЕТАБОЛИК

Ёғ синтези ва оксидланишини кучайтириш орқали энергия ишлаб чиқиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, томирлар узра қон оқими тезлигини оширади.

Дарбэпозтин альфа

ГОРМОН

Организмга инсон рекомбинант эритропозетинидан кўра уч карра давомийроқ таъсир кўрсатади. Қонда гемоглобин миқдорини ошириши орқали мушакларни кислород билан тўйинтирилишига кўмаклашади ва чидамлилиқни оширади.

Дегидрохлорметилтестостерон

АНАБОЛИК

Куч ва мушак хажмини оширади.

Дегидроэпиандростерон

АНАБОЛИК

Организмнинг эҳтиёжига кўра организм ичида тестостерон ёки эстроген жинсий гормонларига айланади.

Дексаметазон

ГОРМОН

Моддалар алмашинувини кучайтиради ва талваса синдромининг вужудга келиш эҳтимолини чеклайди.

Дростанолон

АНАБОЛИК

Йиғилган мушак хажмини сақлашда кўмаклашади. Куч кўрсаткичларини яхшилайд.

Индапамид

ДИУРЕТИК

Буйрак тўқимаси ва томирларга таъсир кўрсатиш орқали организмдан суюқликни хайдайди.

Ипаморелин

ГОРМОН

Ўсиш гормонини синтетик қўзғатувчиси.

Карфедон

СТИМУЛЯТОР

Организмга умумий қўзғатувчи таъсир кўрсатади, жисмоний ишчанликни оширади.

Катин

СТИМУЛЯТОР

Юмшоқ қўзғатувчи таъсирга эга ўсимлик алкалоиди.

Кеторолак

ИНГИБИТОР

Кучли оғриқсизлантирувчи таъсирга эга яллиғланишга қарши восита.

Кленбутерол

АНАБОЛИК

Иштахани бўғади, ёғ заҳираларини камайтириш оқибатида ажралган энергия ёрдамида куч ва чидамлилиқни оширади.

Кокаин

СТИМУЛЯТОР

Бош мия асаб толаларининг сигналларини блоклаш орқали марказий оғриқсизлантирувчи таъсир кўрсатади.

Лигандрол

ГОРМОН

Мушак атрофиясини даволовчи модда бўлиб, қуруқ мушак хажмини кескин оширади.

Марихуана

КАННАБИОИД

Психотроп таъсирга эга рухий фаол модда. Эйфория ва онейроид ҳолатни вужудга келтиради.

Мезокарб

СТИМУЛЯТОР

Организмнинг энергия заҳираларини тезкор жалб этиш орқали чидамлилиқни оширади.

Мельдоний

МЕТАБОЛИК

Юрак мушакларини ўта оғир жисмоний юклама ва кўзғатишдан химоялайди. Юқори жисмоний юкламаларга мослашиши, хужайраларда кислород эҳтиёжини самарали тақсимланиши ва организмда энергия захираси тезроқ тикланишини таъминлайди.

Местеролон

СТЕРОИД

Мушак хажмини оширади.

Метандиенон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини оширади, суяк тизимини мустаҳкамлайди.

Метастерон

СТЕРОИД

Мушак хажмини оширади, куч кўрсаткичларини яхшилади.

Метенолон

АНАБОЛИК

Йиғилган мушак хажмини сақлаб қолишда кўмаклашади. Тестостерон ишлаб чиқишини камайтиради.

Метиландростендиол

СТЕРОИД

Мушак хажмини оширади.

Метилгексанамин

СТЕРОИД

Диққатни жамлаш, чидамлилиқ ва ишчанликни оширади. Шунингдек, ёғ захирасини камайтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Метилендиоксиамфетамин

СТИМУЛЯТОР

Жисмоний чидамлилиқ ва ишчанликни оширади, бош миянинг гипоксия шароитига барқарорлигини таъминлайди. Кенг тарқалган бошқа номи – экстази.

Метилтестостерон

СТЕРОИД

Қонда эркин тестостероннинг миқдорини қисқа муддатли ошириш таъсирига эга.

Морфин

НАРКОТИК

Оғриқсизлантирувчи ва тинчлантирувчи таъсирга эга препарат.

Нандролон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини оширади.

Норандростерон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини оширади.

Норэтиохоланолон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини оширади.

Оксаболон

СТЕРОИД

Мушак хажми ва чидамлилиқни оширади.

Оксандролон

СТЕРОИД

Мушак хажми ва чидамлилиқни оширади, куч кўрсаткичларини вақтинча юксалтиради. Шунингдек, ортиқча суюқликликни организмдан чиқаришга, тезкор тикланишга кўмаклашади.

Оксилофрин

СТИМУЛЯТОР

Модда алмашинувини тезлаштиради, марказий асаб тизими фаолиятини мувофиқлаштиради, ёғ хажми камайишига кўмаклашади.

Оксифенбутазон

КСЕНОБИОТИК

От спортида таянч-харакат аппаратида яллиғланиш ва оғриққа қарши восита сифатида қўлланилади.

Оралтуринабол

СТЕРОИД

Кимёвий тузилиши ва таъсири жиҳатидан метандиенон моддасига яқин анаболик.

Остарин

АНАБОЛИК

Мушак хажмини оширади, пай ва бойламларни мустаҳкамлайди.

Пемолин

СТИМУЛЯТОР

Марказий асаб тизимига кофеинга нисбатан беш карра кўпроқ таъсир кўрсатади.

Пропранолол

БЕТА-БЛОКАТОР

Юрак ритми тезланишининг олдини олади, жисмоний юктамаларда юрак мушакларини химоялайди, артериал қон босимини пасайтиради.

Псевдоэфедрин

СТИМУЛЯТОР

Фармакологик хусусиятларига кўра эфедрин моддасига яқин бўлиб, унга нисбатан фаоллиги камроқ, аммо токсик таъсири кучлироқдир. Бронхларни кенгайтиради, юрак фаолиятини қўзғатади, томирларни торайтириб артериал қон босимини оширади, марказий асаб тизимига қўзғатувчи таъсир кўрсатади.

Сальбутамол

СТИМУЛЯТОР

Кардиюктамалар давомида машғулотда сарфланадиган энергияни ёғ тўқималари ҳисобидан олинишида кўмаклашади.

Сибутрамин

СТИМУЛЯТОР

Серотонин миқдорини ошириши ҳисобига иштаҳани бўғади.

Станозолол

АНАБОЛИК

Мушак хажми ва умумий чидамликни кескин оширади, ортиқча суюқликни организмдан чиқаради, ёғ қатламларининг сарфини кўпайтиради.

Стрихнин

СТИМУЛЯТОР

Сезги аъзолари фаолиятини қўзғатади (кўриш, таъми фарқлаш, эшитиш қобилиятларини кучайтиради), скелет ва юрак мушакларининг тонусини оширади, модда алмашинуви жараёнларини кучайтиради.

Тамоксифен

ГОРМОН

Тестостерон миқдорини оширади. Метаболизм ва организмдаги ортиқча суюқликнинг ажралишини кучайтиради.

Тестостерон

АНАБОЛИК

Мушак хажминини оширади, оқсил синтезини кучайтиради, чарчоқ хиссини бартараф этиш ва умумий тонусни кўтариш орқали асаб тизимини қўзғатади.

Тетрагидроканнабинол

КАННАБИОИД

Кучли психотроп таъсирга эга бўлиб, эйфория ва онейроид холатини вужудга келтиради.

Торасемид

ДИУРЕТИК

Организмдан суюқлик ва у билан бирга калий, кальций ва магний моддаларини ажралишини кучайтиради.

Тренболон

АНАБОЛИК

Мушак хажмини ортиши ва ёғ тўқимасининг камайишига олиб келади, куч кўрсаткичларини оширади, кортизол гормони миқдорини камайтиради.

Триамтерен

ДИУРЕТИК

Организмда калий моддасини сақлаб қолиши билан бирга кучли пешоб хайдовчи таъсирга эга бўлиб, тана вазнининг кескин камайтиришга кўмаклашади.

Триметазидин

МЕТАБОЛИК

Тана тўқималарини кислород билан тўйинтириб оғир жисмоний юкламадан кейин организмни қисқа вақт ичида тикланишига олиб келади, чидамлик ва ишчанликни оширади, артериал қон босимини бир маромда сақлаб туради.

Туаминогептан

СТИМУЛЯТОР

Юрак – қон-томир тизимини фаоллаштиради. Ўта юқори жисмоний юкламалар таъсирдан юрак мушакларини химоялайди.

Фенетерол

СТИМУЛЯТОР

Юрак қисқаришини кучайтиради ва тезлаштиради. Бронхлар кенгайиши, нафас олишнинг тезлашиши ва нафас олиш хажмининг ошишини таъминлайди.

Фенилбутазон

КСЕНОБИОТИК

От спортида таянч-харакат аппаратида яллиғланиш ва оғриққа қарши восита сифатида қўлланилади.

Фенилпропаноламин

СТИМУЛЯТОР

Эфедрин моддасининг сунъий шакллари билан бири. Иштаҳани бўғади, термоген таъсирга эга препарат.

Форместан

ИНГИБИТОР

Қонда эстроген миқдорини камайтириб, табиий тестостерон ва гонадотроп гормонлар миқдорини оширади.

Фуросемид

ДИУРЕТИК

Организмдан калий, кальций ва магний моддаларининг ажралишини кучайтиради. Организмдан суюқликнинг ажралишини кескин ошириши мумкин, лекин анаэроб юкламалар шароитида мушак тонуси ва чидамлилиikka салбий таъсир кўрсатмайди.

Хигенамин

СТИМУЛЯТОР

Ортиқча вазнга қарши курашади.

Инсон ўсиш гормони

ГОРМОН

Мушак рельефи шаклланишида кўмаклашади. 23-26 ёшгача шахсларда мушак ва суяклар ўсишини таъминлайди, ундан катта ёшдагиларда суякларни мустаҳкамлайди, ёғ қатламини камайтиради, қонда қанд миқдорини пасайтиради.

Эритропоэтин

ГОРМОН

Қонда эритроцитлар шаклланишини кучайтириб, тана тўқималарининг тўлиқ озикланишини таъминлайди ва организмнинг умумий чидамлилигини оширади.

Этамиван

СТИМУЛЯТОР

Модда алмашинувини яхшилади вабош мия қон айланишини меъёрлашишида иштирок этади.

Этиохоланолон

ГОРМОН

Тестостерон гуруҳига мансуб юмшоқ андроген.

Эфедрин

СТИМУЛЯТОР

Умумий ва периферик қон оқими ва артериал қон босимини ошириб, қон айланиш дақиқалик хажмини, юрак уриш тезлигини, юрак қисқариши кучини, мушаклар тонусини кўпайтиради. Унинг таъсирида қонда қанд миқдори ортади.

*Муаллиф: Нодиржон Турсунов,
Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги бош директори*